

Ishonch

2019 йил 30 июль • сешанба • № 92 (4221)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛАРУСГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 2019 йил 31 июль – 1 август кунлари расмий ташриф билан ўшбу мамлакатда бўлади.

Минск шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон – Беларус мулоқотининг давоми сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Президентлар Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмаси ва Беларус юқори технологиялар парки билан танишдилар.

Музокаралар якунида Президентларнинг Кўшма баёноти имзоланиши ҳамда Ўзбекистон – Беларус кўп қиррали шериклигини, жумладан, инвестициялар, ишлаб чиқариш, илмий-техник кооперация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга мустақкам асос яратадиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

ЎЗД

Жиззах вилояти

Илғор ҳудудга айланаётган Жиззах

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» дастурлари, «Илғор ҳудуд» лойиҳаси ана шу олижаноб мақсадлар рўёбини таъминламоқда

МАНАСДАН БОШЛАНГАН ЭЗГУЛИК
«Обод қишлоқ» дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолажак

Ўтган асрнинг 60-йилларида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғида бугунги кунда 6,5 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Аммо кейинги йилларда йўллар, энергияси сув, иссиқлик, электр жавоб бермаслиги натижасида одамлар анча қийналаётган эди. Давлатимиз раҳбари эътибори билан «Обод қишлоқ» дастури асосида бу ерда мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа муддатда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Дастур доирасида сизот сувлари сатҳи кўтарилишини бартараф этиш учун 41 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқлари тозаланди. Икки қаватли 34 та уйнинг томи қайта ёпилди. Уй-жойлар атрофидаги режасиз қурилишлар ўрнида янгидан ёрдамчи бинолар, тандирхоналар барпо этилди. Мевали ва манзарали дархат кўчатлари ўтказилди. Аҳолини ичимлик суви билан



таъминлаш мақсадида «Сувоқова» давлат унитар корхонаси жамоаси 6,5 километрлик сув қувири ётқизди. Сув тарқатиш иншоотлари таъмирдан чиқарилди. 2 та умумтаълим мактаби таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ушбу мактабларда ўқув-ишлаб чиқариш устакхоналари очилиб, дурадгорлик, чилангарлик, тикувчилик дастгоҳлари билан таъминланди. 17 та болалар майдончаси, 2 та мини-футбол майдони, 250 ўринли стадион фойдаланишга топширилди.

200 нафардан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Жумладан, «Жиззахпахтасаноат» акциядорлик жамиятининг 100 ўринли, «Заминтекс» масъулияти чекланган жамиятининг 20 ўринли тикувчилик цехлари қурилиб, қишлоқ хотин-қизларидан 120 нафари ишга жойлаштирилди. 30 та иссиқхона, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг молларини боқиб учун 100 бошга мўлжалланган замонавий ферма ташкил этилди. Шу ерда ветеринария пункти ишга туши-

рилди. Аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлаш мақсадида замонавий кўринишдаги 31 та савдо дўкони, новвойхона, ҳаммом барпо этилди. 500 ўринли «Манас» маданият саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий масканга айлантирилди. Қишлоқ врачлик пункти қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 500 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиника хизмат кўрсата бошлади.

3 >

Байроқ сабоқлари

ДАҚИҚЛИК ЭФИР «ДРС»-И

Узоқ вақт олдин бир фильм кўрган эдим. Ҳозир номи ёдимда йўқ-у, аммо жўргани фильмнинг «ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган» қаҳрамонининг бир ҳаракати хотирамга мустақкам муҳрланиб қолган.

...Фильм қаҳрамони йўлда катта тезликда кетяпти. Атроф бийдек дала, дов-дархат йўқ. Узоқдан йўл четида ҳарбийлар жойлашган «палатка»лар кўринади. Кучли шамол сабаб чодир тепасига тикилган байроқ қутилмаганда йўлга учиб тушади. Шунда қаҳрамон шунақани тормоз босадикки, машина «ғийиллаб-чийиллаб» байроққа бир қарич қолганда тўхтади. Қаҳрамон зудлик билан машинадан тушиб, ердан байроқни олади-да, уни меҳр билан ўпади. Сўнг югуриб келаётган ҳарбийлардан энг биринчи етиб келганига пешвоз чиқиб, байроқни унга беради. Қаҳрамонни ҳарбийлар «чест» бериб, кузатиб қолишади...

Кўнгил битиклари



Муром ХУСНОВ оқоли оради.

4 >

Сурхондарё вилояти

Ташаббус қулоқ ёзмокда

Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида Жарқўрғон туманидаги Какайди кўрғонига жойлашган ҳарбий шаҳарчада Ўзбекистон Республикаси Президенти шефта ташаббуси ижроси юзасидан тадбир ташкил этилди.

Маълумки, беш ташаббуснинг бири хотин-қизларни иш билан таъминлашдан иборатдир. Тадбирда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш мақсадида қурилган аёллар гўзаллик саломи ҳамда кичик тикув цехининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан янги тикув цехига 6 донна замонавий тикув машинаси, ҳарбий шаҳарчадаги кутубхонага эса 200 донна бадий китоб совға қилинди.

Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳарбий қисмлар ва ҳарбий шаҳарчага ташриф буюриб, ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар учун яратилган қўлайликлар, жумладан, ётоқхона, ошхона, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, ўқув машқлари хоналари ҳамда ижтимоий ва маиший шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Ўз мухбиримиз

Кун эътирофи

«Ўзбекистон раҳбари бир неча йил давомида мамлакат келажагини яхши томонга ўзгартирди»

АҚШнинг

Forbes

журнали

Диққат, янги рунк!

Халқ билан мулоқот



Азиз газетхонлар! «Ishonch» газетаси таҳририяти кўпчилик газетхонларнинг талаб ва истакларига асосан «Халқ билан мулоқот – Муштарий саволига мутасадди жавоби» рунки остида «Очиқ интервью»лар ташкил этади.

Унда Сизнинг дилингиздаги саволларга мутасадди идораларнинг жавоблари берилади. Шу асосда жамиятдаги муҳим мавзулар ҳамда муаммолар ёритилади, уларнинг ечими ҳақида мутасаддиларнинг маълумоти берилади.

Сизни қийнаётган, жавобини излаб юрган саволларингиз бўлса, таҳририятнинг куйидаги манзилига юборингиз мумкин:

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бу-хоро кўчаси, 24-уй.

Факс: +99871-256-85-43.

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Сайт: ishonch.uz

Facebook: www.facebook.com/ishonchgzt

Телеграмм: @ishonch_gazetasi

«Ishonch» газетаси
Сизнинг эркин минбарингиз!

Саволлар газетда эълон қилиниб, мутасадди ташкилотларга юборилади. Жавоблар газета саҳифаларида берилади.

«ОЧИҚ ИНТЕРВЬЮ»НИНГ ДАСТАЛБКИ МЕХМОНЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси
Жўрғори Кенгеси Раиси
Муса ЕРНИЯЗОВ

Ўзбекистон Республикаси инновацион
ривожланиш вазирли
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ

Халқ билан мулоқотнинг амалий кўриниши бўлган «Очиқ интервью» учун йўлайдиган саволларингиз аниқ, савол берувчининг манзили ҳамда исми-шарифи кўрсатилган бўлиши керак.

Таҳрират муштарийларни фаоллик ундаш мақсадида «Энг яхши савол эгаси» раббатлантирувчи мукофотини ҳам таъсис этди.

Ушбу мукофот соҳиби ҳар ой давомида аниқла-ниб, ғолибларга эсдалик совғалари топширилади. Саволлар 15 кун давомида қабул қилинади, ин-тервью берувчилардан қонунда белгиланган муд-датда жавоблар олинади ва эълон қилинади.

Шошилинг!

Ҳам ечимини ҳам юрган саволингизга
жавоб олинг, ҳам мукофот соҳиби бўлинг!

Ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг қуйидаги турлари берилиши шарти билан амалга оширилади

бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дархатлар қийматини фуқароларга тўлаш, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш

ер участкасини ўзлаштириш даврида 2 йилгача муддатга ижарага вақтинча уй-жой бериб, бузилаётган уйлар, иморатлар, иншоотлар ва дов-дархатлар қийматини тўлиқ тўланган ҳарда етказилган бошқа зарарларни қоплаган ҳолда, фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш;

фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бузилиши керак бўлган уйлар, иморатлар ва иншоотларни қўчириш ва янги жойда тиклаш, шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарларни қоплаш;

ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юридик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ёки кўчмас мулкнинг бозор қийматини ва етказилган зарарларни қоплаш;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжларини улуғ олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарларни тўлагичига қоплаш;

Янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларни фуқароларга юридик шахсларга мулк қилиб бериш, шунингдек, ер участкасини олиб қўйиш муносабати билан мулкдорга етказилган зарарларни қоплаш.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг телеграммада «Huquqiy axborot» канали

Тошкент шаҳри

Кўрик-танлов

Самарқанд вилояти

Раёсат йиғилиши

Намунали фаолият эътирофи

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ тизимида фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятини баҳолаш ва рабатлантириш мақсадида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ўтказди.

Кўрик-танловда 107 та бошланғич ташкилот иштирок этди. Баҳолаш жараёнида кўмига фаолияти устас талаблари асосида йўлга қўйилгани, маъмурият билан ижтимоий шериклик асосида ижобий натижаларга эришилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Касба уюшма аъзолари сони 100 нафардан кўп бўлган бошланғич ташкилотлар ўртасида учинчи ўринга «Elektromagnit moslashuv markazi» давлат унитар корхонаси ҳамда «Ўзбектелеком» АК Қашқадарё филиали касба уюшма кўмиталари, иккинчи ўринга «O'zbekiston» наشريёт-матбаа ижодий уйи касба уюшма ташкилоти, биринчи ўринга эса «Ўзбектелеком» АК «O'ztaboy» филиали бошланғич ташкилоти муносиб деб топилди.

100 нафаргача аъзолари бўлган бошланғичлар ичидан учинчи ўрин «Ўзбектелеком» АК «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали Еттинчи боғламаси ва «Ўзбектелеком» АК «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали Бешинчи боғламаси касба уюшма ташкилотларига насиб этган бўлса, иккинчи ўринга «Aloqabank»нинг Жиззах филиали касба уюшма, фахрли биринчи ўринга эса «Aloqaloyiha» давлат унитар корхонаси касба уюшма ташкилоти муносиб кўрилди.

Филиаларга диплом ҳамда қимматбахо эсдалик совғалари топширилди.

Тақдирлаш маросимидан сўнг Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг раёсат

йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика кенгаши ва тизимдаги бошланғич касба уюшма ташкилотларининг жорий йил биринчи ярмида амалга оширган ишлари таҳлил қилинди.

Амалга оширилган кўплаб ижобий ишлар эътироф этилган ҳолда, йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Жумладан, жамоа шартномалари орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга моддий ёрдам бериш масаласи жорий йилги дастурга киритилганига қарамасдан бу борадаги ишларда сусткашликка йўл қўйилаётгани таъкидланди. Бошланғич ташкилотлар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар таҳлиliga кўра, биринчи ярим йиллик давомида пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқибдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва қимматбахо совғалар улашиш, ходимларни юбилей саналари муносабати билан моддий ёки қимматбахо совғалар билан тақдирлаш, корхонанинг собиқ ходимлари бўлган пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш брасидидаги ишлар режага нисбатан кам фоизларда бажарилгани, қолаверса, бир неча бошланғич ташкилот ойлик ҳисоботларни тақдим этмагани таъкидланди.

Кизгин руҳда кечган мунозаралар якунида камчиликларни бартараф этиш, сусткашликка йўл қўяётган бошланғич касба уюшма ташкилотларига чора кўриш юзасидан раёсат қарори қабул қилинди.

Агросоноат мажмуи ходимлари ка-



саба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Энг намунали бошланғич ташкилот» ва «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови» 2-босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловининг якуний натижаларига кўра, аъзолар сони 100 нафаргача бўлган бошланғич ташкилотлар орасида 3-ўринни Қорақалпоғистон Республикаси Нукус Агроэкономика касб-хунар коллежи, 2-ўринни Қашқадарё вилоятидаги «Китоб темир-бетон буюмлари» МЧЖ, 1-ўринни Навоий вилояти Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси касба уюшма кўмиталари эгаллади.

Кейинги тоифа бўйича эса 3-ўринга Бухоро вилоятидаги «Когон пахта тозалаш» АЖ, 2-ўринга Наманган вилоятидаги «Нестле-Ўзбекистон» МЧЖ, 1-ўринга Тошкент давлат аграр университети бошланғич ташкилотлари лойиҳа топилди.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«ISHONCH»



Мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар рўёбини жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шаффофик, воқеликка реал муносабатларни шакллантириш касба уюшмалари фаолиятининг негизини ташкил этмоқда.

Муҳим масалалар муҳокамада

Манфаат устуворлиги, аввало, оддий одамлар ҳаётида ўз аксини топмоқда, – дейди Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсат йиғилишида кенгаш раиси ўринбосари Акбар Қодиров. – Ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимида ижтимоий шериклик тамойилларининг ҳаётимизга тобора чуқурроқ сингиб бораётганини кузатиш мумкин.

Бу жараён жамоа шартнома ва келишувлари ижросида янада ақсолоқроқ намоён бўлмоқда. Утган ярим йилда вилоят миқёсида мазкур меъёрий ҳужжатлар орқали 570 нафар ишлаб чиқаришда иштирок этмаётган пенсионер ва корхоналарнинг собиқ ходимларига моддий кўмак кўрсатилди. Эътиборли жиҳати, моддий мададга муҳтож кишиларга кўрсатилаётган иқтисодий кўмакнинг саксон фоизи у ишлаган, фойда келтирган корхона томонидан молиялаштирилди. Пенсия ёшидаги 297 нафар шахс, юбилей санасини нишонлаган 367 нафар ходимга иш берувчи ва касба уюшмалари томонидан моддий ёрдам берилди.

Нодавлат мулк шаклидаги корхоналар билан алоқалар мустаҳкамлашиб бораётди. Келишувлар орқали ўтган даврда 35 та хусусий мулк объектида ишловчи 95 нафар аёл ойлик маоши сақланган ҳолда қисқартирилган имтиёзли иш соатларига эга бўлди. Бундан ташқари, барча турдаги корхоналарда 1032 та ёш оилга 181,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Ёзги соғломлаштириш

Жиззах вилояти

Уобсойда мароқли таътил

Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган 80 нафар ўғил-қиз «Жиззах аккумулятор заводи» АЖга қарашли «Енегј» болалар соғломлаштириш оромгоҳида кутиб олинди.

Уобсой қишлоғидаги хушхаво маскан қорақалпоғистонлик болажонларга жудаям манзур бўлди. Оромгоҳ марказида жойлашган амфитеатрда концерт дастури, кизикарли ўйинлар, рақс жамоаларининг чиқишлари намойиш этилди. Ўзбекистон Куроли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг қўл жанги бўйича чиқишлари тадбирга ўзгача руҳ бағишлади.


Учинчи йилдирки, Оролбўйи болаларини оромгоҳда кутиб олялмиз, – дейди оромгоҳ директори Улуғбек Ҳозобоев. – Уларнинг тоғ бағрида мириқиб дам олиши учун пухта тайёрларлик кўрилган.

Жиззах вилоятидаги шахар ташқарисида жойлашган 10 та оромгоҳда ёз мавсуми давомида 4 минг нафардан ортиқ болажоннинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларидан иборат 500 нафар ўғил-қиз бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Насиба ЗОКИРОВА

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфида 7 та болалар оромгоҳи бор. Уларда мавсум давомида кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди. Хусусан, «Қувасойцемент» АЖ қошидаги «Роҳат» оромгоҳида 403 нафар боланинг бепул йўлланма асосида дам олиши ташкиллаштирилди. Жамоа шартномаси орқали ишлаб чиқариш жараёнида вафот этган ходимларнинг 3 нафар фарзанди ҳам бепул соғломлаштирилди.

Бахтли болалик овози



«Кизилқумцемент» АЖга қарашли «Шаббода» оромгоҳида ҳам мавсум давомида «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул дам олдирилди. Яқинда бу ерда спортнинг 7 тури бўйича мусобақалар ўт-

казилиб, касба уюшмаси ҳар бир ғолиб жамоа аъзоларини янги ўқув куроллари билан тақдирлади. Шунингдек, болаларнинг мароқли дам олиши учун кўнгилчак театри, сатира театри, цирк томошалари ташкиллаштирилди.

«Тошшаҳартрансизмат» лотлар уларнинг билим ва истеъдодини янада чархламоқда.

Турли кўрик-танлов ва спорт мусобақалари болажонларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қиляпти. «Биз Ўзбекистон фарзандларимиз», «Валарни ҳам мамнун этмоқда. Шинам ётоқхоналар, бой китоб фондига эга кутубхоналар, сузиш ҳавзалари, маънавият хоналари, спорт майдончалари дам олувчилар ихтиёрида.

Ҳар бир оромгоҳда ёшлар маънавиятини юксалтириш учун давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бешта ташаббус бўйича тўғрақлар ташкил этилган. Мусиқа, инглиз тили, тасвирий санъат, халқ хунармандчилиги, шахмат-шашка бўйича машғу-

Ноидра ШАМСИЕВА,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши маданий-маърифий ва спорт бўлими мутахассиси

Хоразм вилояти

Яширин қирралар кашф этилмоқда

Касабақўм ўғли учун оромгоҳга имтиёзли йўлланма таклиф қилганида Фароғат опа икклиниб қолди. Ўғли Аброр одамови бола бўлса, тенгқурларига қўшилавермайди. Бегона муҳитда қийналиб қолмасмикан?..

«Ақсинча, ўғилгининг вақти мароқли ўтади», деди касбақўм. Ниҳоят, Аброр 11 ёшида биринчи марта оромгоҳга йўл олди.

Дарёга яқин гўшанинг табиати ҳам ўзгача экан. Тенгқурлари орасида турли болалар бор. Кимдир шўх, бошқиси билимли, яна бири футбол ишқибози. Ҳаммасининг ўз хоҳиши-истаги бор. Уларни кўриб, Аброрнинг ҳам завқи ортди. Анчадан бери қўшиқ хиргойи қилиб юрарди. Бировнинг ёнида айтиб кўрмаганди. Ўзини намоён қилди. Оромгоҳ юлдузига айланди. Бир олам дўстлар орттирди. Ҳар куни ё ёзувчи, ё хонанда, ё яна бир таникли

инсонлар келиб, уларнинг болалик хотираларини эшитди. Ўзиники билан қислади. Шифокор опалар турли касалликлардан қандай ҳимояланиш ҳақида гапириб беришди. Турли танловларда қатнашди. Шахмат ўйнашни ўрганди. Бобур деган янги ўртоғи чизган расмларга қойил қолди. Севара исмли қиз инглиз тилида бийрон гапирар экан. У ҳам ўрганишга қарор қилди.

Болалар дунёқарашини шакллантиришда, иқтидорларини кашф қилишда оромгоҳларнинг ўрни катталиди синонларда исботланган, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика

кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимов. – Оромгоҳ фақат бўш вақтнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий камолотига хизмат қиладиган маскан.

Бу йил Хоразм вилоятида 36 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Мавсум давомида болаларнинг соғлом овқатланишларини ташкил қилиш, турли тўғрақлар фаолиятини кенг йўлга қўйиш, маданий-маърифий, спорт тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини кўпроқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратил-



моқда. Шу кунгача оромгоҳларда кўнгилли ҳордиқ чиқарган 12 мингдан зиёд болалар ўз таассуротларини яқинлари билан ўртоқлашишдан чарчашмапти. 2000 нафардан зиёд болалар эса яйраб дам олишмоқда.

«Жайхун қўеши», «Шодлик», «Хива гулшани», «Алломши», «Мушаввир» ва бошқа оромгоҳлар номи

Мўҳаббат ТЎРАБОВА,
«ISHONCH»

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

41 – Манасда амалга оширилган ишлар Президентимизнинг халқимизга бўлган эътибори, давлат идоралари вакиллари олдидан одамлар билан бевосита мулоқоти самарасидир, – дейди «Манас» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жалил Кенжаев. – Юзлаб кишиларнинг меҳнати, саъй-ҳаракатлари боис бугун қишлоқ тубдан ўзгарди. Кўчалар, уйлардан ободлик нафаси уфуряпти. Одамлар бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб, давлатимиз раҳбари бизнинг орзуларимизни амалга оширяпти, деб шодланишмоқда. Қисқа вақтда шундай улкан ишлар амалга оширилди. Шундай

127 миллион сўмга тушди. Баракларда яшаб келган 291 та хонадон эгасининг янги уй-жой учун бошланғич бадали Ўзбекистон Республикаси Президентининг олдидан одамлар билан бевосита мулоқоти самарасидир, – дейди «Манас» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жалил Кенжаев. – Юзлаб кишиларнинг меҳнати, саъй-ҳаракатлари боис бугун қишлоқ тубдан ўзгарди. Кўчалар, уйлардан ободлик нафаси уфуряпти. Одамлар бугун бу ердаги ўзгаришларни кўриб, давлатимиз раҳбари бизнинг орзуларимизни амалга оширяпти, деб шодланишмоқда. Қисқа вақтда шундай улкан ишлар амалга оширилди. Шундай

зими тозаланиб, қайта ишга туширилди. Аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида «Ипак йўли» маҳалласида Гагарин шаҳрига 9 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортилди. Замонавий нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 3 та мини-маркет, 2 та ҳаммом, 50 дан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш объектлари барпо этилди. Айтиш керакки, фақат ижтимоий соҳа эмас, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиши, аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муҳим йўналиш сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Дастур доирасида дастлаб бара-

туманларда қўллаш таклифини билдирди. 2019 йил 3 январдаги «Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармонида Жиззахда «Илғор ҳудуд» синови лойиҳасини амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди. Фармон ижросини таъминлаш бўйича республика ҳукумати то-

қурилиши бошланди. Марказий кўчадаги оилавий поликлиника, банк, маиший хизмат уйи ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарнинг биноларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Қурувчилар кўчадаги янги автошўхбекат қурилиши давом этаётди. Туман марказида ўтган асрнинг 60-70 йилларида бунёд этилган 55 та кўп қаватли уйни таъмирлаш

Қашқадарё вилояти **Огоҳлик**

Халқимизда «Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга» деган нақл бор. Ростдан ҳам шундай экан. Бунга қуйидаги воқеа билан танишиб, ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Илғор ҳудудга айланаётган

ЖИЗЗАЖ

савобли ишлар бошида турган Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Бу тарихий янгиликни дунё нигоҳига тушиди. Хусусан, Болосоғун номидаги Қирғизистон миллий университети доценти Мирсаид Анарбаев «Ачық сўз» («Очи́к сўз») газетасининг 2018 йил 13 сентябрь сонидан эълон қилган «Бекиёс ўзгарган Манас» сарлавҳали каттагина мақолада ўз кўзи билан кўрганни батафсил ҳикоя қилади. Олим мақолани шундай якунлайди:

«Манас қишлоғи Ўзбекистонни Эрон, Афғонистон ва Туркменистон билан боғлайдиган улғу йўлга яқин жойлашган. Энг муҳими, қишлоққа Президентнинг назари тушди. Уни кўргани атайин узоклардан ташриф буюрувчиларнинг қадами узиламапти. Истагимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошлаган ушбу хайрли ташаббус қанот ёзиб, бутун мамлакат обод ва фаровон бўлсин».



ТАШАБУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида чўл бағридан юлиб олинган Мирзаҷўл бугун она юртимизнинг галлачилик ва пахтачилик тараққий этган ҳудудларидан бири саналади. Туманда мева-сабзавотчилик, полизчилик тараққий топган. Худди шундай, саноат соҳасида ҳам йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётди.

Аммо бу лойиҳаларнинг ҳеч бири қўлам жиҳатидан «Обод қишлоқ» дастури доирасида қилingan ишларга тенглаша олмайди, десак адашмаймиз. Жумладан, дастур «Ғалаба», «Мустақиллик», «Ўзбекистон», «Мирзадала», «Дўстлик», «Ержар» маҳаллаларидаги бино ва иншоотларнинг нафақат замонавий қиёфа касб этишига, балки янги корхоналарнинг ишга тушиши, иш ўринларининг яратилиши учун омил бўлди.

Гагарин шаҳрида қисқа муддатда 377 та намунали уй қурилди. Бундай намунали уйларнинг бошқа вилоятларда ўртача қиймати 210 миллион сўмни ташкил этаётган бўлса, бу ерда ишчи кучи, қурилиш материаллари, техника воситалари ҳашир йўли аралашуви билан ўртача 117-

навий мебель ва жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, «Ғалаба», «Мустақиллик», «Мирзадала», «Дўстлик», «Ўзбекистон» ва «Богбон» маҳаллаларида таъмирга муҳтож 175 та кўп қаватли уй ва 35 та кўчада таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Аҳоли турмуш фаровонлиги, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ҳудуддаги жами 14,3 километр газ қувурлари монтаж қилинди, 2 та янги газ тақсимлаш шохобчаси ўрнатилди, 35 таси таъмирланди. 1 минг 407 та газ асбоб-ускуналарни монтаж ва демонтаж қилинди.

230 донга темир-бетон таянч ўрнатилиб, 21,4 километр узунликда янги электр узатиш тармоғи тортилди, 6 та трансформатор пункти мукамал таъмирланди. Натижада истеъмолчиларнинг электр энергияси таъминоти тубдан яхшиланди.

Дастур доирасида 77,2 километр ичимлик сув қувури, 2,2 километр оқова сув қувури тортилди, 65 та оқова сув қудуғи қурилди. Сўнгги 30 йил давомида ишламай қолган канализация ти-

кларда яшовчи ишчи аҳоли вакиллари иш билан таъминлаш мақсадида «Мирзаҷўл тикувчилик мажмуаси», «Мирзаҷўл чорва комплекси», «Мирзаҷўл текс» МЧЖ каби корхоналар, нон цехи, мини-маркет, ҳаммом барпо этилиши ҳудудда 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Ташаббуснинг қаноти бор, дейишди. Рост. Манас қишлоғидан бошланган «Обод қишлоқ» дастури ижроси Мирзаҷўлнинг Гагарин шаҳри, «Ғалаба», «Ўзбекистон», «Мустақиллик», «Мирзадала», «Дўстлик», «Богбон» маҳаллаларида давом этмоқда. Бу янгиланишлар юртимиздаги барча қишлоқларда, маҳаллаларда кундалик ишга айлана бормоқда.

БАЙРАМ ОҒУШИДАГИ ҒАЛЛАОРОЛ

Ғаллаорол шаҳарчасини ўтган эллик йилдан зиёдроқ давр давомида қайта қуриш масаласи бир неча марта кўтарилган бўлса-да, бу иш турли сабаблар билан орқага сурилиб келинган эди. Одамлар эскирган иншоотлар, тор кўчалар, ночор инфратизим юзга келтирган ноқулайликларга сабр-тоқат қилиб, бошқа ҳудудларда бўлаётган ўзгаришларга ҳавас билан яшаб келаётганди.

Ва ниҳоят, қутилган ишлар бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил январь ойида Жиззах вилоятига ташрифи чоғида Гагарин шаҳрида амалга оширилган ишлар билан танишиб, бу тажрибани барча

монидан вилоятнинг барча туман марказларини ободонлаштириш, инфратизимини янгилаш мақсадида ҳар бирга 4 миллиард сўмдан маблағ ажратилиши бу эзгу ишининг муваффақиятли бошланғич бўлди.

Узоқ йиллар давомида қурилиши мумкин бўлган иншоотлар қуриб бўлиниб, бўш жой қолмаган Ғаллаоролда эскини бузмасдан янгисини қуришни иложи йўқ эди. Ҳар қандай иншоотнинг бузилиши бесаранжомлик, ноқулайлик туғдиришидан ташқари, қўшимча вақт, маблағ талаб қилади. Бу ерда эса юзлаб иншоотларни бузишга тўғри келди. Аммо ғаллаоролликлар бундай янгиланишни кўпдан орзиқиб кутаётганликлари учун янги лойиҳани амалга оширишда ҳоқимият билан осон келишувга эришдилар.

Бузилишга тушган турар жойлар эгаларига бадал тўланиб, янги участкалар ажратилган бўлса, савдо, хизмат кўрсатиш каби но-турар жойлар эгаларига янги қурилиш учун бепул ер майдонлари берилди.

Шу кунларда туман марказидаги Мустақиллик кўчаси кенгайтирилиб, эски уйлар ўрнида замонавий кўп қаватли иншоотлар барпо этилмоқда. Бу ерда 5 та 5 қаватли замонавий турар жой қад ростламоқда.

Ушбу кўча бўйлаб туман прокуратураси, архив, давлат хизматлари маркази идоралари, хусусий клиника биноси, хусусий мактаб-гимназия таълим муассасаси бинолари

ишлари ўз якунига етмоқда. Уйларнинг ҳовлиларида тандиҳона, санузел ва қўшимча иншоотлар қуриляпти.


Бузиш, қайтадан қуриш ишларининг энг катта қисми марказий деҳқон бозори ҳудудида амалга оширилмоқда. Бозор ҳудудидаги асалари уксидек зич, бироқ бертариб жойлашган, шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган 400 тага яқин катта-кичик савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари бузиб ташланди. Уларнинг ўрнида шаҳарнинг бош лойиҳаси асосида янги замонавий дўконлар ва савдо мажмуалари барпо этилмоқда.

– Бунёдкорлик ишлари белгиланган режа-жадвал асосида олиб борилмоқда, – дейди туман ҳокимининг ўринбосари Акбар Мамаражабов. – Айни пайтда бу қурилишларда 500 нафарга яқин қурувчи, 50 га яқин қурилиш техникаси ишлатилмоқда. Барча иншоотлар, албатта, ўз муддатида фойдаланишга топширилади. Бунинг учун қурилиш ашёлари захираси ҳам, техника, ишчи кучи ҳам етарли.

Қурилишларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари яратилгани тўғрисида ижтимоий соҳа иншоотларини таъмирлаш ишлари ҳам муаммосиз кечаётди. Туман ҳокимлигининг таклифига республика бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан 44-умумтаълим мактаби, тиббиёт биришмаси марказий поликлиникаси, тиббиёт коллежи биноларини таъмирлаш, марказий ичимлик суви тармоғини янгилаш, сув узатадиган иншоотга 4 та янги насос ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Худди шундай қурилиш, ободонлаштириш ишлари туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам олиб бориляпти. Жумладан, катта Тошкент-Термиз автомобиль йўли бўйидаги Қўқғумбаз қишлоғида 77 та савдо дўконидан иборат илҳам савдо мажмуаси, Мирзабулоқ қишлоғида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, «Ёшлар боғи» барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга ошириляётган ободлик дастурлари илмий-амалий жиҳатдан ўрнинга молик тарихий мавзуга айланди. Энг муҳими, бу тарихий воқеаларга ҳар бир жижизахлик ўз ҳиссасини қўшишга бел боғлаган.



Вафосиз ваъда

ёхуд оқланмаган ишонч

Яккабоғ туманида туғилиб, Қарши шаҳрининг «Пахтазор» маҳалласида яшаган Жаҳонгир Эшқобилов Қарши шаҳар, «Шодлик» МФЙда яшовчи фуқаро Жаҳонгир Абдурайимовга «Менга пул берсанг, етмаганига ўзимдан қўшиб, «Нексия» русумли автомашина сотиб олиб берман» дея ишончига қиради ва 2016 йилнинг декабрь ойида 20 миллион сўм пулини олади. 2017 йилнинг май ойи ўрталарида «Нексия» русумли автомашина сотиб олиш учун яна устига пул бермасанг бўлмайпти, етмайпти, деганча 12 миллион сўм, жами 32 миллион сўм пулини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборади.

миллион бир юз минг сўмни санаб олди-ю, қолгани насия бўлди. Пулни яхшиликча қайтаравермагач, Жаҳонгир отаси билан маслаҳатлашди ва ёрдам сўраб, Президентнинг «Халқ қабулхонаси»га мурожаат қилди.

Вазиятга ички ишлар ходимлари аралашмаганида, ким билади, Жаҳонгир Эшқобилов олган пулларини яна қанча вақт насия қилиб юрарди. Оилавий шароити оғирлашиб қолгани ва бошқа бир қанча ваз-қарсонларни санаб ташлаб, ўзини оқламоқчи бўлган «ҳожатбарор» охир-оқибат ўзгалар мулкани талон-тарож қилганини тан олди.

Хулоса шуки, «Фарзандингизни ўқига киритиб қўяман», «Болангизнинг ишга жойлашишига кўмаклашаман», «Машина сотиб олишингизда ёрдам берман» каби қатор-қатор ваъдаларни бераётган кишиларга лаққа тушманг. Ҳар қандай ҳолатингиз бўлса, уни ҳалоллик ва қонуний йўл билан амалга ошириш мумкин. Шундагина бошлаган ишингиз хайрли якун топади.

Ваъдаларни қуюқ бериб, пулларни жарақлатиб санаб олаётган Жаҳонгир Эшқобилов аслида Жаҳонгир Абдурайимовнинг вафот этиб кетган акасининг дўсти эди. Демак, пулни берган Абдурайимов ўз адашига акасига ишонгандек ишонган. Бироқ орадан ойлар ўтса-да, ваъда қилинган машинадан дарак бўлавермагач, Жаҳонгир Абдурайимов берган пулларини қайтаришни сўрайди.

Ортиқ ҲАМИДОВ, Қарши шаҳар Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси 4-сонли Ички ишлар бўлими хузуридаги Тергов бўлими маси бошлиғи, капитан

Халқимизда «Қўл билан бериб, олгунча оёқ билан югурасан», деган гап ҳам бор. Жаҳонгир Абдурайимов «ҳожатбарор акаси»дан 2017 йилнинг августидан ўн икки



P.S.: Ортиқ Ҳамидовни бемалол касабга уюшмалари фойдаси дейиш мумкин. Гап шундаки, у ўтган йили самарали хизматлари эътиборга олинди. «Йилнинг энг фаол еш мутахассиси» куриқтаъловининг Қашқадарё вилояти босқичида «Энг фаол ички ишлар ходими» номинациясида ғолиб деб топилган. «Еш мутахассислар» V Форуми доирасида ўтказилган танловнинг Республика босқичида фаол иштирок этиб, ташкилотчиларнинг ташаккурномаси билан тақдирланган.

Ҳикмат

Ишбилармон мардлик ва ишжаоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.
Амир ТЕМУР



Тошкент вилояти

Конституциямизда (53-модда) хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Кўп-лаб қонунларимизда ҳар бир шахснинг хусусий мулки дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани белгиланган.

Маъмур масалага оид Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор қарор ва фармонлари ҳам қабул қилинган бўлиб, давлатимиз раҳбари хусусий мулк ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусий мулк дахлсиздир

Жумладан, мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ривожига тўсиқ бўлиб келаётган валюта конвертацияси масаласининг ниҳоятда қисқа вақтда тадбиркорлар учун оғриқсиз ҳал этилиши хорижий омвий ахборот воситаларида ҳалигача экспертлар таҳлилига мавзу бўлиб қолмоқда. МДҲ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб мамлакат раҳбари хузурида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтининг жорий этилиши бу борада

ташланган ниҳоятда катта қадам бўлди. Белгилаб берилган вазифалар асносида иқтисодий судлар ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, 2018 йил давомида Зангиота туманлараро иқтисодий суди томонидан хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 4 429 та иш қўрилиб, уларнинг фойдасига 307 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Амалга ошириляётган ислохотлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятга ноқонуний аралашувларнинг барҳам берилишига, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳар қандай шаклнинг олдини олиш, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳал этиш механизмларидан унумли фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

А.АБДУРАZZОҚОВ, Зангиота тумани маъмурий суди раиси

Ҳуқуқ

Биласизми, мана шу эпизодни профессионал даражада суратга олиш учун анча-мунча вақт ва маблағ кетгани аниқ, аммо унинг эфир вақти нари борса, кўпи билан бир дақиқа чиқади, холос. Лекин, ўша бир дақиқа таъсир доираси, кучи буйича «байроқни сев, уни улуғла» дея аудиторияларда соатлаб ўтказилган турли тadbирларни «чангида қолдириб кетади».

Энди ўзингиз айтинг, фильм қахрамониға ўхшашни ҳавас қиладиган болалар ва ёшларга байроқ билан боғлиқ эпизод таъсир қиларми? Албатта, қилади. Айниқса, ўша давлат вакиллариға.

Байроқ билан боғлиқ яна бир ҳолат: халқаро анжуман бошланяпти. Нуфузли меҳмонлар ва иштирокчилар ўз жой-жойини эгаллаган, фақат бир иштирокчи негадир тик турибди. Аслида, айтилган таклиф унга қаратилган бўлса-да, умумий оҳангда «марҳамат, жойларингизни эгаллашингиз мумкин» дейилди. У эса ўзини шитмаганга олиб, тик тураверди. Ҳамма ҳайрон. Охири модератор «қулқис»нинг исм-шарифини айтиб, уни ўтиришга таклиф қилди. Шундан сўнггина ҳаммани ўзига қаратиб турган иштирокчи тилга кирди: «Уэр, аввал давлатим байроғини тўғрилаб қўйишин, кейин ўтираман». Шунда ҳамма зал тўрига қўйилган байроқларга диққат билан назар ташлади.

Маълум бўлдики, байроқлардан биттаси ён томонга бир қарич нари-бери сал қийшайиб турган экан. Байроқ тўғриланган, меҳмон жойига ўтирди. «Қайсар»нинг «қилиғи» кўпчилиққа таъсир қилди, ҳатто, айримлар беихтиёр қарсақ ҳам чалиб юборишди.

ЯРОҚСИЗ ЯЛОВЛАР

Билмадим, юқоридаги ҳолатлар қаттиқ таъсир қилгани учунми қачон, қаерга борсам, байроқ бор жойда унга

разм соламан. Очиғи, мажлислар зали, маънавият ва маърифат хонасининг бир бурчагида ранги ўчган, «ёнбошлаб» қолган, йиртиғи бор байроқларга ҳам баъзан кўзим тушган. Бундай эътиборсизлик ва ҳурматсизликни қандай баҳолаш мумкин билмадим-у, аммо битта нарса аниқ: байроққа бепасанд қараганларга ҳечам безътибор бўлмаслик лозим. Уларни байроқни улуғлашга ўргатиш керак.

Менимча, стол устига қўйиладиган, турли тadbирларда ишлатиладиган байроқчаларнинг бежирим-

сонли қўшинини тоққа, форга олиб чиқиб кетади. Душман қанча ҳаракат қилмасин, горни забт этолмайди. Шунда Искандар Ахримазга элчи юборади. Элчи «Таслим бўлсанг, омонлик, бўлмасам ёмонлик» деган таклифни етказди. Ахримаз элчи ва унинг ҳамроҳларини фор оғзига олиб чиқиб, «Шуни билингларки, биз охири қонимиз қолгунча жанг қиламиз», дейди. Сўнг энг баланд чўққини кўрсатиб, «Хув анаву чўққини кўряпсизларми? Агар ўша чўққига байроқларингизни қадай олсанглар, майли, таслим

роғи «йўқолиб қолади»...

Ахримазнинг қўлидаги йиртилган, бўлакланган байроғини кўрган Искандар қаҳри келиб, рақибини қатл эттиради, аммо мард ўғлоннинг жасурлиги ва юртпарварлигига ич-ичидан тан беради. Буюк мутафаккир, тариқат пешвоси, шайх Нажмиддин Кубронинг ватанпарварлиги, жасорати ҳақида тўлқинланмасдан сўзлашнинг сираям иложи йўқ. Улуғ аждодимиз нафақат ўз илм-у урфони билан, балки ўз ўлими билан ҳам ўзига ҳайқал қўйиб кетган.

жондан кечиб, ёвнинг яловини «янчиб ташлайди».

ҒАРБЧА ШАКЛЛАРДАН КўРА...

Кейинги вақтда пойтахтимиз ва вилоят марказларида эътироф этишга арзиғулик яна бир катта ўзгариш бўлди. Бу – 50-60 метр баландликдаги махсус устунларга ўрнатилган байроқлардир. Узоқдан кўринадиган бу байроқларнинг шамолда хилпираши юракни ҳапқиртиради.

Кимга қандай билмадим-у, аммо ўша байроқларнинг деярли ҳамма

Байроқ сабоқлари

лиги ва сифатига ҳам жиддий эътибор қаратиш зарур. Бир сўз билан айтганда, байроқча сифатсиз ўйинчоққа ўхшаб қолмаслиги керак.

Ҳеч аҳамият берганмисиз, одатда биз ҳар йили 18 ноябрь арафасида байроқни эслаб қоламиз, унга бағишлаб деярли ҳамма жойда (асосан аудиторияларда) катта-кичик тadbирлар ўтказамиз. Сўнг... орадан ролпа-роса бир йил ўтган, сана муносабати билан ўша «сценарий» яна такрорланади.

Турли тadbирлар ва байрам концертларида байроқни елкасига ташлаб олиб, севи-муҳаббат ҳақидаги қўшиқларга жўр бўлган ёшлар байроққа оид ҳечам эскирмайдиган муқаддас тушунчалар борлигини билишармикан? Яъни, байроқни қадаш, яловни тикиш, яловбардор бўлиш, туғни эгаллаш, байроқни бермаслик каби тушунчалар миллий давлатчилигимиз тарихида муҳим аҳамият касб этган.



бўламан, қадай олмасанглар, орта қайтиб кетасанлар» деб шарт қўяди.

Шартни шитган Искандар қўшин ичидан энг абжир, энг эпчил аскарларни саралаб олади ва уларни бир неча кун махсус тайёргарликдан ўтказди. Синовдан ўтганларнинг ҳар бирига байроқ берилди ва...

Арқон, илгак каби жиҳозлар билан «қуролланган» ёвлар чўққига чиқиш «йўл»ида йиқилади, учади. Аммо биттаси удалайди, чўққига байроқ қадалади.


Элчилар «хушхабар»ни Ахримазга етказишди ва унга байроқни кўрсатишди. Ахримаз сўздан қайтмайди, таслим бўлади. Фақат аввал бир иш қилади: у жудаям хавфли бўлса-да, битта ўзи чўққига чиқишга бел боғлайди. Ҳамма ҳаяжонда, ҳамма ҳадикда. Орадан анча вақт ўтади. Бир маҳал Ахримаз кўринмай қолади. Ҳамма уни ўлдига чиқаради, юраклар эзилади. Йўқ, бир маҳал душманнинг қадалган бай-

Маълумки, Нажмиддин Кубро Чингизхоннинг «шаҳарни тарк этинг, кетаверинг, бораверинг, юраверинг...» деган таклифини кескин рад этиб, юрт ҳимояси учун бўлган жангда ёғиларга қарши мардонавор курашади. У мўғул қўшинининг бош байроғини кўтариб турган яловдорнинг қўлидан туғни юлқиб олади ва ерга босиб, тепиб, тупроққа булғайди... Туғни тортиб олиш мақсадида уч-тўрт навкар Шайх устига ташланади, аммо удалай олмади. Шунда байроқни олдириб қўйган, қаҳри кўзиган аламдор Шайхга найза санчади. Ёғил навкарлари Шайхнинг қўлидан туғни чиқариб олишга ҳар қанча уринмасин, Шайхнинг жонсиз қўллари, бармоқлари ёғочга пайванд бўлиб қолгандек, дастани қўйвормайди. Шундан сўнг улар байроқни олиш ва тиклаш учун Шайхнинг қўлини, панжаларини ойболта билан чопиб ташлашади...

Агар аҳамият берган бўлсангиз, ҳар икки ҳолатда – Ахримаз ҳам, Нажмиддин Кубро ҳам



Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch»



Кўқонда янги кутубхона

Кўқон шаҳрининг Муқимий шаҳарчасида «Кўқонспирт» АЖ ташаббуси билан жамоатчилик кутубхонаси ташкил этилди. Зиё масканининг иш бошлаши бу ерда яшаётган 10 минг нафардан зиёд аҳолини беҳад мамнун қилди.

Кутубхонадан турли ёшдаги китобхонларга мўлжалланган 2 мингдан ортиқ бадиий, тарихий, болалар адабиётлари ва ҳуқуқий мавзудаги китоблар ўрин олган.

– Илгари ҳудудда бу каби зиё маскани йўқ эди, – дейди «Шикорбеги» МФЙ раиси Муроджон Абдулаев. – Шаҳарчамизда кутубхонанинг очилиши ёш-у кексанинг китобга бўлган меҳрини янада оширди. Қувонарлиси, мактаб ўқувчилари ёзи таътил пайтларининг асосий қисмини шу масканда ўтказмоқда.

– Бу ерга ўқиш учун китоб танлаётган, ўқиб тугатганини топшириб, янғисини олиш учун келаётган ёшларни кўриб ҳавасинг келади, – дейди Муаззамжон Маражапова. – Масканда ўзбек адабиётидан тортиб, жаҳон адабиёти намуналаригача бор. Ўзим жаҳон адабиётининг ишқибозиман. Вақт топишим билан кутубхонага ошиқаман. Айни пайтда Чингиз Айтматовнинг асарларини олиб ўқиялман.

– Аҳолини, айниқса, ёшларни китоб ўқишга кенг жалб қилиш, муталаа маданиятини ошириш бугунги кунда давлатимиз сиёсати даражасига қўтарилгани бежиз эмас, – дейди «Кўқонспирт» АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Абдумалик Ҳошимов. – Чунки китоб муталааси ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиради, зеҳнини ўстиради, ўз келажагини тўғри белгилашига ёрдам беради.

Ҳасанжон ҲАРАТОВ, «Кўқонспирт» АЖ директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари



Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Косон тумани кенгаши раиси Шухрат Ортиқова онаси **Зайнаб момо АЪЗАМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Одам боласига ўхшагин, ҳамшаҳар...

Тошкент. Шаҳарнинг марказий қисми. «Мовий гумбаз» номи билан танилган хиёбон бу йил ажиб бир гўшага айланди. Шаҳар ҳокимлиги бу ҳудудни катта маблағ эвазига дид билан қайта шакллантирди. Очиғи, ишдан бўш пайтларда хиёбонни бир оз айланиб кўнглимиз яйрайди. Болажонларнинг эса хурсандчилиги бир олам, чунки улар учун замонавий майдончалар беминнат хизматда. Бироқ...

Фотосуратчининг эътиборини тортган бу кўнглини хира қиладиган тасвирлар ҳам шу ердан олинган. Савол туғилади: Бундай бетамиз ишларни ким қилапти? Албатта, ўзимизникилар! Буларни кўриб, ҳой ҳамшаҳар, одам боласига ўхшагин, деб юборасан беихтиёр...

Инсоф сўраш билан бундайларга инсоф кирмаслиги ҳам кундай аён. Демак, бундай номақбулчиликларга жиддий чоралар қўриш, кези келганда, жазо ва бошқа жазоларни белгилаш ва қўллаш фурсати етган кўринади. Нима дейсиз, замондош?

Икром ҲАСАНОВ суратлавларлари



Фотофакт

МУАССИС:
O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй. **Баҳоси келишилган нарҳда.**

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нўқтани назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусаҳҳиш:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎА яқини – **00:30**
Топширилди – **00:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳамми 2 босма табоқ. Бюджетга Г – **717**. **28020** нускада босилди. Нашр қилгани: **133**

1 2 3 4 5